Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 7 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 43 (6939)

Da'vat

«Маърифат» газетасига обуна бўлинг!

Ibrat

Амударё туманидаги 7-мактаб учун 422 ўринли янги ўқув биноси қурилиши бошлаб юборилди. Бу хайрли ишга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати, шу туманда жойлашган «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси О. Холимбетовнинг ташаббуси билан киришилди.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

5 июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилиши бўлди. Мажлисни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, жамғармалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, деди Президент. Ана шу мақсадда шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Бугунги йиғилишдан мақсад мазкур дастурда кўзда тутилган тадбирларга муносабат билдириш, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда унга қандай ўзгартиришлар киритиш ҳақида комиссия аъзолари, мутахассислар билан яна бир карра фикр алмашиб олишдир.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат? Биринчидан, биз эркин, демократик жамият барпо этяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур.

Иккинчидан, тан олиб айтиш керакки, бизда қарор топган таълим-тарбия тизими марказдан бошқарилар эди. Шунинг оқибати ўлароқ, бу ишда турли пала-партишликларга йўл қўйилди. Хусусан, моҳияти номаълум бўлган сунъий ўн бир йиллик таълимга ўтилди. Бунда миллий ўзига хослик, қадимий тажрибалар, анъаналар инобатга олинмади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ миллий дастур ишлаб чиқиш нақадар зарурлигини исботлайди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон дунёга юз очди. Бугун дунёдаги демократик, мутараққий давлатлар тажрибасини ўрганиш имкониятлари ғоят кенг. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар тўплаган тажрибанинг биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам миллий дастуримизда кўзда тутилмоғи даркор. Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади, деди Ислом Каримов. Шу ўринда амалдаги таълим-тарбия тизимининг камчиликлари нималардан иборатлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу камчиликлар, аввало, мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермайди. Ўзингиз ўйланг, ўқитувчининг ўзи эски замон дастурлари асосида ўқиган бўлса, ислоҳотлар моҳиятини ўзи теран англаб етмаса, у қандай қилиб болаларга бу соҳада замонавий билим берсин? Қолаверса, бизда ўқув жараёнининг босқичлари илмий асосланганми, ўқувчи биринчи синфда нималарни, бешинчи синфда нималарни билиши керак? Уларга маънавият асосларини неча ёшдан ўргатган маъқул? Билим ва тажрибанинг болалар онгида уйғунлашиб боришига қандай эришилади? Бу масалаларни ким, қайси илмий муассаса ўрганмоқда?

Мен боя таълим-тарбия тизимида пала-партишликлар мавжуд, деганимда ана шу саволларни ҳам назарда тутган эдим. Натижада биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир, деди юртбошимиз.

Ишлаб чиқилаётган дастур мактабгача тарбия муассасаларидан то олий ўқув юртларигача бўлган билим даргоҳларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутади. Мазкур дастур қандай амалга оширилади, янги таълим-тарбия тизимига қайси муддатларда ўтилади? Мана шу саволларга аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Биз мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шундай экан, ана шу янги тизимга хос моддий-техника базасини яратиш зарурати туғилади. Янги тизимга ўтиш муддатини белгилашда ана шу жиҳатни инобатга олиш зарур. Токи пухта ўйламай қўйилган бирон қадам янги тизимни обрусизлантириб қўймасин. Биз астойдил ҳаракат қилсак, икки-уч йил мобайнида тайёргарлик ишларини тугаллай оламиз, деб ишонаман.

Бу ўринда уч йиллик таълимга жиддий эътибор бериш керак. Чунки у биз учун янгилик бўлиб, ҳозирги ўрта мактаб, билим юртлари ва техникумлардан кескин фарқ қилади. Бу ерда ёшлар бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган рақобатга бардош берадиган касб ва ҳунар эгалари бўлиб етишади. Бошқача айтганда, ҳаётга тайёрланади. Бу эса унда ишлайдиган ўқитувчиларга катта талаб қўяди. Ҳозирги ўрта мактаб ўқитувчилари бу билим даргоҳларида тўғридан-тўғри ишлай олмайдилар. Уларни аттестациядан ўтказиш, камида турли олий ўқув юртлари қошидаги курсларда қайта ўқитиш зарур бўлади.

Янги тизимга ўтилар экан, комиссия харита тузиб, ҳар бир уч йиллик ўқув даргоҳининг қайси вилоят, қайси туман, қайси шаҳар ёки қишлоқда жойлашишини, қанча ўқувчи қабул қилишини, у қайси тўққиз йиллик мактаблар битирувчилари ҳисобидан тўлдирилишини белгилаб чиқишлари шарт. Унда неча хил ихтисослик бўйича ўқитилади, уни ким маблағ билан таъминлайди, ким жиҳозлайди, узоқдан қатнаб ўқийдиганлар учун ётоқхона ёки интернат қуриладими? Ана шу саволларга ҳам олдиндан жавоб тайёр бўлиши керак. Қолаверса, бу мактаблар учун иложи борича янги замонавий бинолар қуриш лозим.

Бу ишларни амалга оширишда мамлакатимиздаги демографик вазиятни, аҳолининг ўсиш суръатларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Биз қайси йили нечанчи синфга қанча ўқувчи боришини аниқ билишимиз даркор.

Ана шу кўрсаткичлар аниқлангач, Молия вазирлиги, ҳокимликлар ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади, дастурни маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилайди.

Дастурда олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу илм даргоҳларини битириб чиққан мутахассислар замонавий стандартларга жавоб бериши бугунги кун талабидир.

Илгари ёшлар, айниқса, уларнинг ота-оналари онгида шундай тушунча ҳукмрон эди: кимки олий ўқув юртини битирса, нони бутун бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Бир кун келиб раҳбарлик лавозимини эгаллайди. Бу моддий манфаатдорлик кайфиятидан келиб чиқадиган қараш эди. Бошқача айтганда, институт ёки университетда обрў учун, келажакда қандайдир кафолатга эга бўлиш учун ўқиларди. Афсуски, ҳозир ҳам ана шу ҳолатни қўмсайдиганлар йўқ эмас. Баъзида олий ўқув юртини аъло баҳоларга тугатганларга шундай кафолат бериб, уларни давлат тақсимоти бўйича ишга юборишни тавсия этишади. Аслида бозор муносабатлари шароитида аълочи талабанинг харидорлари кўп бўлиши керак-ку?

Олий таълимдаги асосий камчилик мана шунда эмасми? Ҳолбуки, олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак. Биз билимнинг, мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтаришимиз, ҳаммага бир хил эмас, балки билимига қараб турли даражали дипломлар беришни жорий этишимиз зарурдир.

Ҳозир мамлакатимиз олий ўқув юртларида 85 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шулардан қайси бирлари биз учун зарур, қай бирларига эҳтиёж кам, яна қандай мутахассисликлар бўйича ўқишни йўлга қўйиш лозим? Бу саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Республика Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиб, аниқ тавсиялар беришлари лозим. Шунга қараб керакли мутахассислар бўйича давлат буюртмаси шакилланади. Олий ўқув юртларига қабул қилинувчилар сони белгиланиб, давлат стипендияси ажратилади. Бундан ташқари, ўз ҳисобидан ўқишга кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб берилади. Хуллас, илм олиш борасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Бунинг учун эса эски дастурлар асосида ўқиган профессор ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, олий ўқув юртларининг ёш муаллимларини ривожланган мамлакатларга ўқишга юборишни, у ерда малака ошириб келишини йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, лозим бўлса, «Умид» жамғармасига ўхшаш махсус фонд ташкил этиш керак. Қолаверса, юқори босқич талабаларининг ҳам ўқувнинг кейинги бир-икки йилини дунёдаги илғор ўқув юртларида ўтказишларига имконият яратиш лозим. Хорижий ўқув даргоҳлари билан илмий кенгашлар тузиш, яъни билим олиш соҳасида интеграцияни йўлга қўйиш ҳам замон талабидир, дея таъкидлади Президент.

Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим мутахассисликлар бўйича профессор-ўқитувчилар етишмаса, уларни чет элдан таклиф қилиш мумкин.

Одатда бирон корхона тўла қувват билан ишламаса, инқирозга юз тутади. Нега бизда айрим институт ва университетлар шундай ҳолатда фаолият кўрсатмоқда? Бу ерда олий ўқув юртларидаги кутубхоналарни зарур адабиётлар билан тўлдириш ҳақида гап бўлди. Аввало, эски қолипдаги дарсликлар билан замонавий кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Аввало, биз ўз дарсликларимизни яратишимиз зарур. Агар, хориждан адабиётлар келтиришга эҳтиёж бўлса, улардан фойдаланиш имконияти бўлса, марҳамат, керакли маблағни ажратамиз. Лекин, сал изн берилса, кутубхоналарни совет замонида битилган дарслик ва қўлланмалар билан тўлдириб ташлашга тайёр турганлар ҳам топилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси эмасми?

Танлаган тараққиёт йўлимиздан изчил боришимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз самарадорлигига эришишимиз, халқимизнинг қиёфаси, дунёқараши ўзгариши учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган дастур бизга ҳаракатимиз асоси бўлиб хизмат қилиши лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Бунинг учун эса мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишни қатъий йўлга қўйишимиз, мазкур дастурни кенг омма муҳокамасига ҳавола этиб, ватандошларимиз назаридан утказиб олишимиз зарур. Токи у барчамизнинг келажакни ўйлаб амалга оширадиган виждон ишимизга айланиб қолсин.

Мажлисда дастурни такомиллаштириш, унда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан мутасадди вазирлик, идора, ташкилот ва уюшмалар раҳбарларига топшириқлар берилди. Республика меҳнат вазири О. Обидов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Маъсудов, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректори Т. Долимов, биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори Т. Даминов, республика тест маркази директори М. Муҳиддинов ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Орипов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: мажлис пайти. А. Тўраев олган сурат.

JUMLADA JAHON

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини жамоатчиликка тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.**

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг «Дановант интерпрайзис ИНК» компанияси бошқаруви раиси кенжа Вильям Б. Дановант раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

❀ **Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро ўзининг юртимиз заминида самимий кутиб олинганлиги ҳамда таширифи самарали ўтганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига миннатдорчилик мактуби йўллади.**

❀ **Афғонистондаги Толибон ҳаракати кучлари пойтахт Кобулдаги мухолифат кучларига қарши қайта ҳужумни бошлади.**

❀ **Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий ўртасида Россия Президенти Б. Ельцин иштирокида имзоланиши кутилаётган якуний тинчлик битими техник сабабларга кўра бир ҳафтага қолдирилди, дея хабар беради Тожикистон Президенти матбуот котиби.**

❀ **Чеченистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Мавлади Удугов Россия вакиллари билан божхона, банк тизими, нефть қазиб чиқариш соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорлик борасида музокаралар олиб бормоқда.**

Yangilik

ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИ

Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида чет эллик фуқароларга ўзбек тилини жадал ўргатиш маркази иш бошлади. Шу муносабат билан мухбиримиз институт директори, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

Савол: — Марказнинг умумий мақсади нимадан иборат?

Жавоб: — Ҳар қандай тил — миллатнинг руҳий кўзгуси. Тил ўрганмай туриб, халқнинг урф-одатлари, маданиятига яқинлашиш қийин. Шу боисдан биз ўз юртимизда яшаётган чет эллик фуқароларга ўзбек тилини ўргатишни мақсад қилиб олдик. Пойтахтимизда 90 га яқин давлатнинг миллий марказлари вужудга келган. Ана шу марказларда фаолият кўрсатаётганларнинг аксарияти турли миллат ва элатга мансуб. Улар ўзбекчани билишмайди, лекин тилимизга қизиқадилар. Демак, кенг илмий жамоатчилик бу масалага бефарқ қарамаслиги керак. Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг шахсий ташаббуслари билан институтимиз қошида ўзбек тилини жадал ўргатиш марказини ташкил этдик.

Савол: — Марказ таркибига кимлар жалб қилинган?

Жавоб: — Филология фанлари номзоди, доцент, ёш олим Қозоқбой Йўлдошев ушбу марказга раҳбар этиб тайинланди. Ўзбек тилшунослигида ўзига хос изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борган 17 нафар олимни ҳам

(Давоми 2-бетда).

«ОҚШОМ»ИНГИЗ ХАЙРЛИ ЎТСИН!

Мактаб, синфдошлар, синфхона, ўқитувчилар...

Бари-бари билан хайрлашув онлари яқин.

Юрак қурғур эса энтикади, худди учишга шайланаётган полапон мисол безовта. Ҳаёт шунақа экан, болалик ҳам вақтинчалик, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Ёшлик эса қайтиб келмас. Ўн йил мактаб қучоғида бўлган йигит-қизларга эса барибир ҳавас қиласиз. Ёшлик — умрнинг энг гўзал ва жўшқин даври. Орзулар уммон-уммон. Мактабни тарк этишни гоҳ истаб, гоҳ истамаётган ёшлар ана шу уммоннинг шиддаткор ва сокин, тиниқ ва лойқа тўлқинларига дуч келадилар. Ҳар неки бўлганда ҳам мўйлови сабза урган йигитнинг қанотлари қайрилмасин. Балоғат ёшига етган гулчеҳраларнинг бошлари хам бўлмасин!

Битирув оқшомига тўпланиш, қадрдон гўшага сўнгги бор қадам ранжида этишга саноқли кунлар қолди. Муаллим ҳам ҳаяжонда, у азиз ўқувчисини учирма қилади.

Бу кунни бир умр эсда қоларлик қилиб ўтказиш учун нималар қилиш ва нималардан воз кечиш керак? Мактабда нишонлаш билан кифояланиш мумкинми? Ёки, албатта, қаҳвахона ва ресторанга буюртма бериш керакми? Республика Халқ таълими вазирлигида Тошкент шаҳридаги бир неча мактаб директорлари йиғилишиб, шу ҳақда гурунглашдилар. Кенгашли тўй тарқамас. Зеро, мустақил ҳаёт остонасида турган битирувчига самимий тилаклар билдириш, руҳан қўллаб-қувватлаш, ҳаётнинг улкан оқимида учрайдиган тўсиқларни енгишга ундаш, умуман, курашиб ва интилиб яшашга чорлаш ўшал куннинг сарлавҳасига айланади.

* * *

Республика Халқ таълими вазирлиги ўрта умумий таълим бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шукур Пўлатов давра суҳбатини бошлай туриб, умумий савол ташлади:

— Битирув оқшомларини қай тартибда нишонлаганимиз маъқул?

Назира АҲМЕДОВА, 41-мактаб директори:

— Бу йил мактабимизни 153 нафар ўқувчи тамомлайди. Бизда таълим аралаш, яъни русийзабон синфларимиз ҳам бор. Етуклик шаҳодатномасини тантанали суръатда топшириш бизда ҳар йили тарихий воқеага айланади. Эрталаб соат 9 билан 10 нинг орасида битирувчиларга тантанали суратда шаҳодатномалар топширилади. Тантанали қисм тугагач, бадиий қисмга ўтилади. Ўша куни буфетда қамтарона стол безатилади. Яхна ичимликлар, ширинликлардан тановвул қилинади. Айтганча, бу тадбиримиз «Гулобод» маҳалласининг фаоллари иштирокисиз ўтмайди. Улар

(Давоми 2-бетда).

ПЕДАГОГИКА ФАНИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ

3-бет.

Tajriba, sinov, natija

РЕПЕТИТОР МУҲАММАДВАЛИ

Тест синовлари ташкил қилинмасдан олдин қайсидир ўқув юртида ноҳақликлар бўлар, айрим ҳолларда билимли ёшлар ўрнига билимсизлар жойлашиб қоларди. Бу эса кўпчиликни ранжитар ва одамлар орасида: «Фалон сўм пулинг бўлса, институтга кирасан», — деган гаплар юрарди. Буларнинг ҳаммаси бошқалар қатори Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 22-ўрта мактабнинг ёш ўқитувчиси Муҳаммадвали Маматвалиев руҳига ҳам таъсир қиларди. Бироқ у билимдон ўқувчи ўзлигини намоён эта олиш синовлари бўлиши яқинлигини ҳис қиларди.

(Давоми 2-бетда).

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ОНА ТИЛИМ...

... сен борсан шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан...»

— дея ёзади ҳассос шоиримиз Абдулла Орипов. Ҳақиқатан тил миллатнинг ўзлиги. У ҳақдаги мавзуни тугатиб бўлмайди. Келинг, яхшиси мақсадга ўтайлик.

Яқинда Тошкент Давлат университетида «Она тили ва адабиёти» фани бўйича талабаларнинг Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда 18 та олий ўқув юртидан келган тилимизнинг билимдон ёшлари ўзаро баҳслашдилар.

Олимпиадада ТошДУ ўзбек филологияси факультети IV курс талабаси Дилнавоз Фармонова ғолиб бўлди.

Шаҳноза МАВЛОНОВА.

МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Инсонни сифатловчи мезонлардан бири шубҳасиз кийимдир. Шунингдек, ҳар бир миллат, жинс, ёш ва ҳаттоки, ҳар бир соҳа кишиларининг ҳам кийинишида ўзига хослик бор. Шу ўринда талабалар қандай кийиниши керак деган савол ҳам туғилиши муқаррар.

Ҳа, Қарши давлат университетида бўлиб ўтган «Талабаларнинг кийиниш маданияти ҳақида»ги мулоқот ҳам шу мавзуда бўлди.

Талабалар миллий маданиятга хос, тоза, озода ва яна ўзига хос кийиниши мулоқотда асосий масала сифатида қаралди.

Унда университет маданиятшунослик кафедрасининг мудири, доцент С. Бозоров, кафедра ўқитувчилари ва талабалар қизғин мунозарали фикрларни баён қилишди.

С. ШАПОАТОВ.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

НИЯТ ХОЛИС

Яхшиликнинг садағаси кетсанг арзийди. Бир бошландими, кейин давом этаверади. Юртимизда ҳам мустақиллик шарофати ила неча йиллар йиғилиб келинаётган эзгу мақсадлар юзага чиқа бошлади. Ана шуларнинг бири хусусида.

Яқинда Олот тумани ҳокимлиги ташаббуси билан тумандаги 31 мактабга 24 гектар ер участкаси ажратиб берилди. Мактаб жамоалари ушбу ер майдонларига зўр ғайрат-шижоат ва яхши ниятлар билан буғдой, пахта ва бошқа экинлар экишди.

Улардан олинадиган даромад ҳам фақат мактабга — уни таъмирлаш, ўқув моддий базасини такомиллаштиришга сарфланади.

М. САФАРОВ.

«ОҚШОМ»ИНГИЗ ХАЙРЛИ ЎТСИН!

(Боши 1-бетда).

ҳам битирувчиларни табриклашади. Бир сўз билан айтсам, биздаги кеча ортиқча дабдабасиз, тинч ва осойишта ўтади.

Йўлчи АБДУЛЛАЕВ, 254-мактаб-гимназия директори:

— Мактабни тамомлаган ўқувчининг юриш-туришида, дунёқарашида катта ўзгариш сезилади. У энди ўзини улғайган ҳис қилади, ҳиссиётлар ҳам унга бегона эмас. У севилиши ва севиб қолиши мумкин, чунки у балоғат палласига қадам қўйди. Менинг назаримда, битирувчиларга ота-оналари тизгинни бериб қўйишган. Уларга мактаб маъмуриятининг кўрсатмалари эришдек туюлади. Мен ҳам кўпчилик ҳамкасбларим қатори битирув оқшомини мактабда нишонлаш тарафдориман. Лекин ёшлар шу билан қаноатланадиларми, гап шунда. Утган йили камтарона кўринишда битирувчиларга мактабда шаҳодатнома топширдик. Лекин орадан икки-уч кун ўтиб, улар қайсидир қаҳвахонада йиғилишиб, базм қилишган. Бу ҳозир ҳам муаммолигича турибди. Айрим ота-оналар борки, ёлғиз ўғлим ёки қизим мактабни тамомласа-ю бир чеккада қараб тураманми, деб очиқдан очиқ айтишади. Албатта, бу ерда гап катта-катта сарф-харажатлар устида кетяпти. Мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар икки ўт орасида ёнишади. Битирув оқшомига борса ҳам, бормаса ҳам, уларнинг юраклари оғрийди.

Машкура ТУРОПОВА, Республика Таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими мудири:

— Базм бўлиши керакми, байрамми демоқчисиз-да! Албатта, битирув оқшоми ҳар бир ўқувчининг ҳаётида атиги бир марта бўладиган тантана. Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин! Бу ерда эътибор берадиган бўлсак, иккита масала кўндаланг турибди: ташкилий ва мазмуний.

Инсон манфаатлари йили эканлигини назарда тутадиган бўлсак, ўн йиллик азиз маконини тарк этаётган ўқувчининг дилига озор бермасдан, ранжитмасдан уни кузатишимиз керак. Битирув оқшомларида байрамона руҳ балқиб турсин. Мактаб маъмурияти, ота-оналар ва маҳалла қўмитаси бу тадбирнинг ташкилотчиси бўлмоғи лозим. Ана шу уч ҳалқанинг бирлиги таъминланса, ўйлайманки, кечалар жуда файзли, шукуҳли ўтади. Енг учида, қўримсизгина ёки аллақаерларда бекитиқча ўтказиш кишида кулгу уйғотади.

Яна бир фикрни ўртага ташласам, сизларга маъқул келармикан? Албатта, ҳар бир битирувчига шаҳодатнома берилади. Бундан ташқари, энг яхши йил ўқувчисини танлаш ва маълум қилиш, унга совға-салом ёки қандайдир ёрлиқ топшириш мақсадга мувофиқдир.

Намоз РЎЗИҚУЛОВ, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг тарбиявий ишлар бўйича мутахассиси:

— Биз битирув оқшомларини нишонлаш бўйича тахминий режа ишлаб чиқдик ва у сизнинг қўлингизга бориб теккан бўлса керак. Шаҳар мактабларида бу тадбирни 21 июнда ўтказиш мўлжалланмоқда. Кечанинг файзли, осойишта ва тартибли ўтиши учун ички ишлар бўлими, ободонлаштириш, маданият ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг туман ва маҳалладаги шохобчалари огоҳ этилади. Мақсадимиз битта: кеча осойишта, файзли, давра шаклида, байрамона руҳда ўтсин! Албатта, биз тавсия этган тахминий режа сизга маъқул тушиши ёки ёқмаслиги мумкин. 13 июнга қадар мазкур тадбирни ўтказиш бўйича мактаб раҳбарияти бизнинг бошқармамизга ўз таклиф-мулоҳазаларини олиб келишлари зарур.

Шукур ПЎЛАТОВ, вазирлик ўрта умумий таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Менинг фикримча, шаҳодатнома топшириш маросимини кечқурун соат 6 да ўтказиш керак. Мактаб педагогик кенгаши аъзолари бир тўхтамга келгач, байрамни соат 7 дан 10 га қадар ўтказиш лозим. Бу вақтда чор-атрофга оқшом уз қуланкасини ташлаб, борлиқ қандайдир сирли кўринади. Шу вақтда гулхан ёқилса борми, битирувчилар ноксиз ҳаяжон оғушида қолишади ва бир умр бу кунни эслаб юришади. Рақсга тушиш, қўшиқ айтиш, муаллимларга миннатдорчилик билдириш, барча-барчаси омухта бўлиб, кечага ўзгача руҳ бағишлайди.

Назира МАҚСУДОВА, 34-мактаб директори:

— Мактабимиз русийзабон ўқувчиларга мўлжалланган. Тўғрисини айтганда, атрофимиз анча нотинч. Шунинг учун ҳам ҳар йили битирув оқшомини ўтказишда милиционерларни таклиф этишга мажбур бўламиз. Биз оқшомни ўтказишда дискотека усулидан фойдаланамиз. Истаймизми-истамаймизми, ёшлар мусиқага, шўх даврага ўч, ўйин-кулгу ва қувноқ тантана уларнинг жони дили. Дискотека ўтказиладиган жойда музқаймоқ ва яхна ичимликлар ташкил қиламиз. Аммо спиртли ичимликни муглақо тақиқлаймиз. Кеча тугагач, ота-оналар ўғил-қизларини етаклаб олиб кетишади.

Беш йилдирки, кундузи ўтказилаётган битирув оқшомларида кўнгилсиз ҳодисалар рўй бергани йўқ.

Дароб ЙЎЛДОШЕВ, Чирчиқ шаҳридаги 2-гимназия-мактаб директори:

— Ҳақиқатан ҳам бугунги давра суҳбатимизнинг мавзуси ҳаётий, долзарб ва андак ташвишли. Шаҳримизда 26 та мактаб бор. Биз уз анъанамизга эгамиз. Ҳар йили битирув оқшомларини ўтказиш бўйича катта ҳайъат сайланади. Шаҳар ҳокими бунга бош-қош. Заводкорхоналарнинг раҳбарлари ҳам бу ҳайъат таркибига киритилади. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси бирор мактабга ҳомий. Тантанага завод-фабрикаларнинг кадрлар бўйича мутахассислари ҳам таклиф қилинади. Улар битирув оқшомида хоҳиши бор йигит-қизларни ишга қабул қилишлари мумкин.

Мактабни олтин медаль билан тамомлаганларга етуклик шаҳодатномасини шаҳар ҳокимининг ўзи топширади. Биз ҳам кўпчилик мактабларнинг анъанасига содиқ қолган ҳолда битирув оқшомларини таълим даргоҳининг ўзида нишонлаш тарафдоримиз.

Фёдр ИЛЬИЧ, Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-ўрта мактаб директори:

— Юқорида қайсидир директор гапириб ўтди. Унинг гапидан битирув оқшомини кафе ёки ресторанда нишонлаш керак, деган фикрни ўқдим. Нега? Ҳали мактабдан тамомлаганлар ўзлиб кетмаган ўқувчи нега энди ресторанда ўтириб, тенгдошлари билан қадаҳ уриштириши керак? Қайси хизмати эвазига? Бунга унинг на моддий, на маънавий ҳаққи бор. У ҳали ёш, иккинчидан эса, бола базми-жамшид учун пул ишлаб топгани йўқ. Нега энди у ота-онасини катта чиқимларга қўйиб, ўз шодиёнасини синфдошлари билан баҳам кўриши керак? Йўқ, бунга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Мактабда камтарона, очиқ-ойдин тарзда нишонланган кечага нима етсин? Маст-аласт бўлиб, турли дилхираликларни келтириб чиқаришга уларни ҳозирламаслигимиз зарур.

Туманимизда 74 та мактаб бўлса, уларнинг бирортаси ўртадан пул чиқариб, таомлар пишириб, стол ясатишмайди. Бизники қишлоқ тумани ҳисобланади. Менинг назаримда, қишлоқларда битирув оқшомлари дабдабасиз, харажатларсиз ўтказилса керак. Ва бундай тартибни шаҳар мактабларига ҳам жорий қилиш керак.

* * *

Фикрлар кўп эди. Улгурганча қоғозга туширишга ҳаракат қилдик. Ва гурунг иштирокчилари яқдил хулосага келишди: битирув оқшомлари хайрли ўтиши керак! У қачон, қаерда, қай йўсинда ўтмасин, юраги ҳаприқиб турган ўқувчининг хотирасида мангу муҳрлансин. Албатта, кеча жараёнини видеотасвирга тушириш шарт эмас, энг муҳими, ундаги лаҳзалар, ҳаяжонлар қандоқ бўлса шундоқлигича юракка кўчсин! Учирма қилинаётган «қушча»ларга самимий дил изҳорларини тўкишда, албатта, қадаҳ уриштириш шарт эмас. Бу ҳали мактаб билан мустақил ҳаёт оралиғида турган болага қандайдир эркинликлар бериб қўйиши мумкин, жилов ҳали озгина ушлаб турилиши керак, деган фикрга келишди давра суҳбати иштирокчилари. Йигит-қизларнинг кийиниш масаласи ҳам четда қолгани йўқ. Серҳашам қилиб тикилган оппоқ либосни қийишга қизлар шошилмасинлар, бу қўйлакни кийиш уларга никоҳ оқшомида насиб этгай! Ахир бу кийимнинг нарх-навоси қандайлиги барчамизга аён-ку! Оҳорлик, кўпчиликнинг диққат-эътиборини жалб қилмайдиган қўйдак бўлса бас, дейишди қуйинчак, етти ўлчаб бир кесувчи директорлар.

Айтилган гаплар рисолага мос. Аммо буларни ўз эгаларига — битирувчиларга етказиш керак. Ота-оналар ҳам кўпчилик маъқул деб топган фикрга қаршилик билдирмасалар керак, деган ўйдамиз.

Таҳририятимиз давра суҳбатини ўюштиришда ёрдам берганлиги учун Халқ таълими вазирлиги мактаблар бош бошқармасига катта миннатдорчилик билдиради. Фикрлар хилма-хиллигига йўл очиқ. Биз бундан воз кечолмаймиз. Зеро, бир фикр бошқасини тўлдириши ёки инкор этиши ҳам мумкин. Энг муҳими эса битирув оқшомлари мароқли, унутилмас, тантаналарга бой кун бўлиб ўтиши керак.

Давра суҳбати тафсилотларини мухбиримиз Хулкар ТЎЙМАНОВА оққа туширди.

ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИ

(Боши 1-бетда).

ушбу марказ фаолиятига ундадик. Улар Тошкент шаҳрида очилган турли давлатларнинг элчихоналари, нозирликларида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган чет эллик фуқароларга ўзбек тилини ўргатишга киришдилар.

Савол: — Амалга оширилаётган ишлар маълум режа билан белгиланадими?

Жавоб: — Саволингиз жуда ҳаққоний. Режасиз иш юритиб бўларканми? Ҳозирча ишимиз жамоатчилик асосида ташкил этилди. Кейинчалик бу ишни давлат миқёсидаги вазифага айлантирамиз. Шошилинч равишда мувақкат Низом ишлаб чиқдик. Мукаммал йўналишга эга Низом устида эса кўп ўтмай олимларимиз бир фикрга келишиб оладилар.

Савол: — Американинг Ўзбекистондаги «Акселс» ташкилоти билан ҳам қамкорлик ўрнатиляптими?

Жавоб: — «Акселс» ўзбекистонликлар учун хизмат қиладиган ташкилот. У инглиз тилини тарғиб-ташвиқ этиш билан шуғулланади. Ўз миллатимизга мансуб ёшлар, олимлар, тадбиркорлар, хуллас, катта-кичик бу ташкилот билан боғланиб, ўз соҳасига доир билимларни чуқурлаштириши мумкин. Бизники эса, юқорида таъкидлаганимдай, чет эллик фуқаролар учун. Бинобарин, «Акселс» билан бизнинг марказимиз фаолияти бир-бирига жуда яқин.

Савол: — Яқинда ўтказилган семинар ҳақида қисқача гапириб берсангиз!

Жавоб: — Бу семинар американинг мутахассисларнинг инглиз тилини жадаллаштириб ўргатиш масаласига бағишланди. Айни пайтда бизнинг тилшунос олимларимиз ҳам бунга жиддий қарашди. Институтимиз бўлим мудири Р. Йўлдошев «Ўзбек тилини бошқа тилларда сўзловчиларга жадал ўргатишнинг илмий-методик йўналишлари» тўғрисида маъруза қилди. Катта илмий ходимимиз Йўлдош Абдуллаев «Тил ўргатиш бўйича чет эл тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ этишнинг методик ўзига хосликлари» бўйича чиқиш қилиб, мунозара уйғотди. Американинг Калифорния штатидаги тилларни чуқурлаштириб ўргатиш институтининг ректори Бетти Ливер ҳам ўз фикрларини баён этди.

Инглиз ва ўзбек тилларини ўрганиш фалсафий асосларга эга. Семинарда бунга алоҳида урғу берилди. Мақсад — сақлаш, ечиш, яратиш. Мураббийлик — билиш, ёрдам бериш, ишонтириш. Маваффақият — билим, маҳорат, шахсий ривожланиш. Текшириш, мўлжал, машқларнинг турлари, материаллар ва ҳоказо. Бу худди режага ўхшаган нарса. Аслида эса у ўзбек ва инглиз тилини ўрганувчиларнинг ёши, қизиқишларини ҳисобга олади. Американинг ва ўзбекистонлик тилшуносларнинг фанлараро алоқасида 10 та фан муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, аслига тўғри материаллар, ўқувчиларнинг ўқиш услуби каби босқичлар ҳам таълимни кенг йўлга қўйишга хизмат қилади.

Суҳбатдош Ҳ. КУЗМЕТОВА.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

УДДАСИДАН ЧИҚИЛДИ

Москва ҳайвонот боғларидан биридаги икки ёшли Африка фили жарроҳлик столидан муваффақиятли қутулиб олди. Святослав Федоров бошчилигидаги Москва кўз микрохирургияси институтининг шифокорлари филнинг катаракта касалига чалинган кўзини даволадилар. Бундай жарроҳлик жаҳонда ягона эмас, сабаби дунёдаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида Интернет компьютер тизимидан юборилган сўровларга Ҳиндистон ва АҚШлик мутахассислардан кўплаб маслаҳатлар келиб тушган.

ТАШВИҚОТ ВА ТАДҚИҚОТ

Тинимсиз берилаётган эълонларнинг одамга бўлган таъсирини дунёдаги бир қанча нуфузли илмгоҳларда ўрганиб келмоқдалар. Калифорния университети мутахассисларининг аниқлашича, баланд овоз, мусиқа ҳамда пала-партиш тасвирли рекламалар нисбатан сокин ташвиқотга қараганда одамлар хотирасидан тез унутилиб кетади. Новосибирск тиббиёт институти психологи Владимир Завяловнинг бир неча йиллик тадқиқотларининг кўрсатишича, уч ёшгача бўлган болалар онги эълондан бутун умр «заҳарланиб» қолади ва эътиборсизликка сабаб бўлади.

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ

Америкалик муҳандис-физик Роберт Шовен ишлаб чиққан янгича турдаги компьютер Вашингтондаги ҳарбийлар эътиборига сазовор бўлди. Физикнинг тузган махсус асбоблари энг нозик тўлқинларни ҳам «сеза» олади. Янгиликни ер қимирлишини олдиндан айтиб бериш ёки қуроллардан ўқ узилганида ишлатиш мумкин. Бутун бир шаҳарни назорат қила олувчи компьютер қаерда ўқ узилмасин, бирор дақиқа ичида манзилини бехато аниқлаб бера олади.

ТАМАКИМИ Ё...

Тамаки тутунининг атмосферага етказаётган зарари завод-фабрикаларникидан ҳам қолишмас экан, Лос-Анжелос атмосферасини энг замонавий асбоблар билан ўрганиш шундай хулосага олиб келди. Олимларнинг аниқлашича, шаҳар ҳавосидаги зарарли чиқиндиларнинг 10 фоизини тамаки тутуни ташкил қилади. Автомобиллардан чиқаётган газлар ҳавода 60-70 фоиз бўлса, завод-фабрикаларнинг ҳиссаси 15 фоиздан иборат бўлиб чиқди. Мутахассислар тамакининг нафақат инсон, балки атроф-муҳитга бўлган зарарини ҳам ўрганишга киришдилар.

БИТИРУВ ОҚШОМИ

(Сценарий)

Хабарингиз бўлса, газетамизда ўрта мактаб битирувчиларининг мактаб билан хайрлашув тантаналарининг ўтказилиши ҳақида бир неча мақолалар эълон қилгандик. Унда илгари сурилган фикрларга асосланиб кўпгина таълим муассасаларида ўқитувчилар бу байрам кечасини мазмунли ўтказиш мақсадида ўзига хос сценарийлар тузишибди. Қуйида Ёқутхон Мўминованинг «Битирув оқшоми» номли сценарийсини бераяпмиз. Ўйлаймизки, жойларда ундан ижодий фойдаланиб, бу тадбирни имкон қадар сермазмун ҳамда чиройли ўтказишга муаллиму муаллималаримиз бош-қош бўлишади.

Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган. Деворларда «Ажойибдир мактаб йиллари» мавзуида деворий газеталар, шиорлар.

Мусиқа садолари остида битирувчилар кириб келадилар. Мадҳия янграйди.

Мактаб директори: — Ҳурматли битирувчилар! Бугун сизнинг ҳаётингизда унутилмас кун. Шу кун, шу дақиқалардан бошлаб мустақил ҳаётга қадам қўясиз. Доимо шу жонажон Ўзбекистонимизга содиқ бўлинг. Қийинчиликлардан қўрқмай доимо олға босинг. Ҳар кунингиз, ҳар бир зафарингиз билан она Ватанимиз буюклигини мустаҳкамланг. Сизларни бугунги байрамингиз билан қутлаймиз, улкан зафарлар, бахт-саодат тилаймиз.

Директор етуклик гувоҳномаларини битирувчиларга топширади.

Ташкилотчи: — Қадрли битирувчилар! Сизларни етуклик гувоҳномаларини қўлга олишингиз билан муборакбод этамиз. Қачон ва қаерда бўлишингиздан қатъи назар, ватанпарвар инсонлар бўлишингизни хоҳлайман. Шу билан бирга ўқишда улкан муваффақиятларга эга бўлган, намунали хулқ эгаларини алоҳида қайд этиб ўтаман.

Ташкилотчи аълочи ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширади.

1-бошловчи: — Ассалому алайкум, даврамизнинг кўрки ва латофати, ҳаётимизнинг мазмуни бўлмиш меҳридарё устозлар!

2-бошловчи: — Ассалому алайкум, илм нурини таратган ва қалбимизда яхшилик уруғини ундирган меҳрибон мураббийлар!

3-бошловчи: — Ассалому алайкум, мана шу тантанали кечага ташриф буюрган азиз меҳмонлар, қадрли ота-оналар, яратиш даврининг ва янгиланиш фаслининг навқирон фарзандлари!

1-бошловчи: — Бугун биз учун ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган, хотираларимиз орасида доимо чақноқ юлдуздек кўриниб турадиган дақиқалар, етуклик онлари.

2-бошловчи: — Етуклик гувоҳномасини олиб, йўл кўрсатувчи устозларимизсиз мустақил ҳаётга қадам қўйиш ёш қалбларимизни ларзага солади.

3-бошловчи: — Мактаб... Ўқитувчи... Эй, ширин дамлар!
Кўнгироқ уйғотган беғубор тонглар.
Сафларда ташланган шаҳдам қадамлар,
Қалбимизда олов ёққан беғубор онлар!

Ўқувчи: — Ўқитувчи — бу фахрли ва дилдан самимият билан айтиладиган инсон касбининг номи! Бу сўз замирида олам-олам маъно бор. Устозларимиз ҳаётимизнинг, бутун фаолиятимизнинг сарчашмаларида турувчи мўътабар зотлардир.

Ўқувчи: — Ўз касбининг мухлиси бўлган оқил ва меҳридарё устозлар худди хушбўй гулга ўхшайдилар. Шогирдлари уларга асаларидек мудом илашиб ва ёпишиб, ўзлари учун қимматли озуқа оладилар.

Ўқувчи: — Оламда касблар кўп, бир-биридан соз,
Бир-биридан мумтоз ва олиймақом.
Қай бирига бўлсин ҳурмат ва эъзоз,
Қай бирига ёзсин дилдан эҳтирос.

Ўқувчи: — Эй, конлар очувчи хазинадорим,
Сенсан манглай тердай яратувчи дур.
Бугун дилдан тошиб завқ, ифтихорим,
Шаънингга қўшиғим янграйди мағрур.

«УСТОЗЛАР» ашуласи янграйди:
Меҳр нури ёғар доим,
Юзингиздан устозлар.
Юрсам дейман бу табаррук
Изингиздан устозлар...

«Тановор» рақсини битирувчи қизлар гуруҳи ижро этади.

1-бошловчи: — Бошқаларга ёрқин нур бўлиш ва уни ўзгаларга сочиш инсон учун олий бахтдир. Оламда бундан юксакроқ бахт йўқ.

2-бошловчи: — Ҳа, инсон умри — оқар дарё дейдилар. «Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқдир», дейди улуғ файласуфлардан бири.

Ўқувчи: — Шогирди кўп устозлар меваси кўп дарахтга қиёс қилинади, бунда жон бор, албатта. Лекин менинг наздимда, устозлар мевали дарахтгина эмас, балки илдизи мустаҳкам томир отган чинорлардир.

Ўқувчи: — Ҳа, тўғри айтдингиз. Чинор бўлгандаям меҳнаткаш чинорсиз. Етти қават ернинг остидан япроқларига булоқ сувларидан қатралаб ҳаёт узатувчи, баҳралар етказувчи чинорим, сизларга чинор умрини тилаймиз.

Ўқувчи: — Қадри тоғлардан баланд устозларим, сиз чароғбон, сиз соҳибкор боғбон, бошимизни мурувват, меҳр-садоқат қўли билан силагувчисиз.

Ўқувчи: — Топди шуҳрат дарёлар ҳам тоғлардан,
Боғбон олмиш баҳосини боғлардан.
Экса қалбга эзгуликни устозлар,
Ҳаёт гулгун, мустаснодир доғлардан.

Ўқувчи: — Олмос янглиғ ҳар сўзингиз жилоларни касб этур,
Сиз Навоий, Улуғбексиз, йўлчи юлдуз мумтозлар.
Раҳнамолар раҳномаси — Сиз аллома устозлар,
Куй, наволар уқмиш сиздан булбули турфа зоғлар.

1-бошловчи: — Ҳозирги сўз бизнинг ёмонлигимизни яшириб, яхшилигимизни оширган, мана шу кечагача онамиз сингари меҳрибонлик ва отамиз сингари қаттиққўлик билан етаклаб келган синф раҳбаримизга.

Синф раҳбари: — Азиз ва қадрли болажонларим! Бугун шу даврада сизларни кўриб бир неча бор кўзларимга ёш олдим. Ахир кечагина қўлларимдан ушлаб юрувчи ўғил-қизлар эдингиз. Орадан мана шунча давр ўтиб тоғни урса талқон қиладиган азамат йигитларга, лобар ва сулув қизларга айландингиз. Сизлар билан қанча унутилмас дақиқаларни бошдан кечирдик. Ўз фикримни шоира Турсуной Содиқованинг «Ўқувчиларимга!» шеъри билан якунламоқчиман. Шоира сатрларини синф раҳбаримиз сўзлари деб қабул қилинг.

ЎҚУВЧИЛАРИМГА!

Ойдай олислагувчи,
кундайин оташларим,
Куй мисол яратгувчи,
булоқдай бебошларим.
Сенинг ўн етти-ёшинг,
камолингдан айланай.
Хоҳ шўху, хоҳ ювошинг,
ёмонингдан айланай.
Йўқ, қолмасман, йўлингда
машъал бўлиб ёнаман,
Мурғаккина дилингда бир
чўғ бўлиб қоламан.
Қайга етса қадаминг,
ёнгинангда мен борман,
Ҳаддан ошганда ғаминг,
бошгинангда бедорман.
Чағир йўлда пойингга
гилам бўлиб тўшалай,
Биров ноҳақ койиса, алам
билан ўч олай.
Қийнаб қўйса саволлар,
мушкулингга ечимман,
Йўлинг тополмасанг гар,
умр бўйи кечирмам!
Рози қилган кишингнинг
«раҳмат»ида яшайман,
Қилган хато ишингнинг
заҳматидан қақшайман.
Олқиш олсанг халқингдан
ором олиб тинаман,
Қарғиш олсанг-чи, унда
шиша каби синаман.
Бошгинамда асрайин
суратинғни, отингни,
Рози бўлиб онангдай
кузатай ҳаётингни.
Сенинг кўзимда ўсган
камолингдан айланай,
Хоҳ шўх, хоҳ ювошинг,
ёмонингдан айланай.
Бугун сени умидли, катта
йўлга солурман,
Изларингга термулиб,
бахтинг тилаб қолурман.

1-бошловчи: — Ҳурматли ота-оналар! Бугун сизнинг севимли ўғил-қизларингиз мактабни битирмоқдалар. Ҳозирги сўз навбати сизларга.

Ота-оналардан бири: — Қадрли меҳмонлар, азиз ва мўътабар устозлар, қимматли битирувчилар! Биз бугун инсон ҳаётида бир маротаба бўладиган, етуклик гувоҳномасини топшириш кечасидамиз. Битирувчи фарзандларимизни байрамлари билан муборакбод этамиз. Сиз, азиз устозларга, билим беришдек машаққатли, шарафли ишларингизда фақат ва фақат омад тилаймиз. Танларингиз соғ, умрларингиз узоқ бўлсин, невараларимизга ҳам билим бериб юраверишингизни истаймиз.

Битирувчилар ота-оналари ва устозларига гуллар беришади.

Битирувчилар, ота-оналари, устозлар билан бирга рақс тушишади.

Сценарий муаллифи Ёқутхон МЎМИНОВА.

БИТИРУВЧИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Баҳористон тумани ҳокимиятида бу йил мактабни битираётган ёшларнинг биринчи слёти бўлиб ўтди. Анжуманни туман ҳокими Ҳайит Тожиев кириш сўзи билан очиб, битирувчи ёшларни қутлади. Шундан кейин туман халқ таълими бўлими мудири Қ. Намозов ҳудуд мактабларида таълимнинг бугунги аҳволи ва келажаги ҳақида маъруза қилди. Музокараларда Ю. Ҳасан номидаги мактаб ўқувчиси Зебо Азизхонова Маҳтумқули номидаги мактаб ўқувчиси Сожида Аслонова, Ҳ. Исмадиёр номидаги мактаб ўқувчиси Гулзебо Жумамуродова, С. Атаков номидаги мактаб ўқувчиси Сайёра Жумаева ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшларнинг таълим олишига ғамхўрлик, бу борада туманда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Туман ҳокими слёт якунида сўз олиб Баҳористоннинг бугуни ва келажаги ҳақида атрофлича тўхталди ва туман ҳар соҳада кадрларга муҳтожлигини чуқур таҳлил қилиб берди. Нотиқ бу йил биринчи марта икки юзга яқин ўқувчининг ўқишга бораётганлигини мамнуният билан қайд қилиб, уларга раҳбарлар ва хўжаликлар томонидан ҳомийлар белгиланганлигини маълум қилди.

Анжуман сўнгида меҳнат фахрийси, туманда таниқли ўқитувчи Б. Қорғдиев ёшларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаб, оқ фотиҳа берди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ, Баҳористон тумани.

РЕПЕТИТОР МУҲАММАДВАЛИ

(Боши 1-бетда).

— Тест усулида ҳақиқат бўлишига ишонаман, — деди у ота-оналар йиғилишида, — Энди ўқув юртларига кириш учун жуда қаттиқ тайёрланиш керак. Билимсиз кишиларга у ерда ўрин йўқ. Хоҳловчиларга мен қўшимча машғулотлар ташкил қилишим мумкин. Мактабда тест синовларига тайёрланиш маркази ташкил қилмоқдамиз.

Кимдир ишонди, кимдир ишонмади. Хуллас, 1995 йилда 15 нафар ўқувчи бир жойга тўпланди. Муҳаммадвали уларга қўшимча машғулотлар ташкил қилди. Кундузи мактабда, кечқурунлари эса Муҳаммадвалининг уйида машғулотлар ўтказиладиган бўлди.

Тошкент шаҳрида дорилфунунни битириб, 2—3 йил «Ёшлик» журнали таҳририятида ишлаган Муҳаммадвали ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих фанидан яхши билимга эга бўлиб, тинмай изланади, уз билимларини ошириб боради. Киме-биология фанидан тажрибали ўқитувчи — Тўхтахўжа Юсупов, физика-математика фанидан Қурбонали Тулабоевлар ҳам ўқувчиларни тайёрлашда Муҳаммадвали билан ёнма-ён турдилар.

Муҳаммадвали ўқувчиларга тест саволи жавобини айтиб қуя қолмай, уша жавобнинг тўғрилигини ҳар томонлама исботлайди. Маълум бир вақтдан кейин эса ўқувчиларни синовдан ўтказади. Уша биринчи йилдаёқ натижа кутилгандек бўлди. Муҳаммадвали тайёрлаган 15 нафар ўқувчининг ҳаммаси тест синовларидан муваффақият билан ўтишди. Иминжон Ҳакимов, Аҳмадали Раҳматуллаев, Ботир Аҳмадалиев, Самаджон Маматвалиев каби ўнга яқин ўсмир дорилфунун талабаси бўлди. Қолганлари медицина ва педагогика билим юртига киришди. Бу натижалар Муҳаммадвалига обрў келтирди, унинг номи қўшни қишлоқларга ёйилди. 1996 йилда унинг тайёрлов синфига ўқувчилар қўшни қишлоқлардаги мактаблардан ҳам келишди. Жами 45 киши тўпланди. Иш кўпайди. Муҳаммадвали дарсдан бўш вақтини бўлғуси абитуриентларга сарфлай бошлади. Тест саволларининг журнал ҳолатида босилиб чиқиши уларга янада қўл келди. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар уз самарасини берди. Натижа аъло бўлди, 38 нафар ўқувчи ўқув юртига кирди. Бу ўринда қуйидаги мисолни келтиришни жоиз деб ўйлайман. Наманган давлат дорилфунуни тарих-ҳуқуқшунослик факультетига киришни хоҳловчилар жуда кўп бўлди. Ҳар бир ўринга 15—16 киши ҳужжат топширди. Факультетга ўтиш бали 181 ни ташкил қилди. Унга жами 21 киши қабул қилинди. Шундан 7 киши — Муҳаммадвали тайёрлаган ўқувчилар — Бахтиёр Нарзулаев, Баҳодир Абдувалиев, Алишер Исоқбоев, Гавҳарой Болтабоева, Муҳайё Жўрабоева ва уларнинг ўртоқлари ҳозирги кунда тарих-ҳуқуқшунослик факультетида муваффақият билан ўқишмоқда. Бу ўқувчилар чет тили фани ўқишмаганини ҳисобга олсак, улар асосий фанлардан юз фоизга яқин натижа кўрсатишганини тушуниб оламиз.

Ҳозирги кунларда Муҳаммадвали тиним билмайди. Унинг гуруҳига Пешқўрғон, Боғистон ва Янгиқўрғон туманининг Бекобод қишлоқларидан 50 нафар ўқувчи тўпланган. Устоз ва шогирдлар эзгу ниият билан меҳнат қилишмоқда.

— Шогирдларимнинг муваффақиятлари менга қувонч бағишлайди, — дейди Муҳаммадвали Маматвалиев. — Улар дорилфунунга киришса,узимни ўйлаган мақсадга эришган ҳисоблайман.

Ўрмонжон МЎМИНОВ.

КУЧ ВА БИЛИМ УЙҒУНЛАШСА

Суҳбатдошимиз — Туйғуной Ниёзметова. У 1937 йил сигир мучалида Бухоро вилояти (ҳозирда Навоий вилояти) Кармана туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битиргач. 1960 йилдан пойтахтдаги 51-мактабда иш фаолиятини бошлаган. 1966 йилдан то шу кунгача Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ишлаб келмоқда.

—Туйғуной опа, Сиз оддий ўқитувчиликдан кафедра мудири, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими каби унвонларга сазовор бўлдингиз. Бунда кўпроқ нималарга суяндингиз? Билимгами, меҳнаттами?

— Билим ва меҳнат — эгизак. Шунинг учун ҳар иккаласини қўшиб олиб бориш яхши самара беради. Ўн йил давомида мактабда ишлаб тўплаган тажрибаларим асосида «Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари» мавзусидаги кандидатлик ишимни муваққиятли ҳимоя қилиб олдим. 1994 йилгача Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабда олиб борган тажриба-синов ишларим эса «Бадиий асар устида ишлаш», «Ўқитувчининг педагогик маҳорати», «Адабиёт дарсларида ўқувчиларга Ватан туйғусини шакллантириш», «Тажрибалар кўзгуси», «Морфологияни ўрганишда сўз устида ишлаш тажрибасидан» каби қатор рисолаларимнинг яратилишига туртки бўлди. Демак, мактабда ўтказган дарсларим, меҳнатимнинг меваси сифатида илмий ишларим яратилди.

— Дарҳақиқат, Хусайн Воиз Кошифий шундай ёзади: Билимсиз қуч адли йўқ шоҳдир, қуввати йўқ илм эса, адолатли, аммо лашкари йўқ шоҳ кабидир. Ва агар билим ва қуч ўзаро мувофиқ келса, муваффақиятга эришиш йўли очиқдир. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Жуда топиб айтилган гап. Устознинг қадри унинг билимида. Аммо бу билимни етказиш усулларини ҳам билмоқ лозим. Шундай ўқитувчилар борки, уларда илм кучли бўлишига қарамай шогирдлари кўнглига йўл топа билмайди. Оддийдан мураккабликка қараб бормайди, ўқувчилар савиясини ҳисобга олмай маъруза шаклида дарс ўтадилар. Бунинг самараси сезилмайди. Яна шундай ўқитувчилар борки, билимда ягона бўлмасалар-да, услубиятни, ўқувчиларга мавзуни етказишнинг ноанъанавий бир неча усулларини биладилар ва дарс жараёнида улардан фойдаланиб борадилар. Натижада ўқувчиларнинг фанга қизиқишлари ортади, фанни қунт билан ўргана бошлайдилар. Демоқчиманки, ўрта мактабларда билим услубият билан уйғунлашмоғи лозим.

— Халқимизда бир нақл бор: «Соғ танда — соғлом ақл». Ўқитувчилар иши ниҳоятда масъулият ва фидойилик талаб этади. Улар ҳам вақтида дам олиб туришлари фойдали, аммо бунга доим имконият топилавермайди. Шу масалага қандай қарайсизлар?

— Маҳмудахон, биз бунга эътибор берганмиз. Институт қошида бепул санаторий-профилакторий мавжуд. Малака ошираётган ўқитувчилар шу ерда даволанадилар. Уларнинг мароқли дам олишлари учун турли адабий кечалар, учрашувларни тез-тез ўтказиб турамиз. Ёзувчи Тоҳир Малик, севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўғли ва набиралари билан ўтказилган «Дилдан суҳбатлар» ҳам тингловчилар хотирасида узоқ сақланиб қолишига аминмиз. Серҳаракат ўқитувчилар вақтдан унумли фойдаланиб, Ўзбекистон радиосининг «Маърифат истар кўнгил» эшиттириши орқали ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб кетадилар. «Маърифат», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» таҳририяти ходимлари билан ўтказилган давра суҳбатлар ҳам изсиз кетмади. Бир ой мобайнида тингловчилар малакаларини ошириб қайтишлари учун барча шароитлар муҳайё.

— Туйғуной опа, суҳбатимиз сўнгида оилангиз билан ҳам таништирсангиз.

— Турмуш ўртоғим билан беш фарзандни тарбиялядик. Қизим Гулнора иқтисодчи олима, доцент. Ўғлим

ПЕДАГОГИКА ФАНИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ

Педагогика фани таълим ва тарбиянинг қонуниятларини ўргатади. У фуқароларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизни маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсонни ўз имкониятларини эркин намойиш қилиш, ватанпарварлик ҳиссиётларини тарбиялашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Педагогика фанининг ўрганиш доираси анча кенгайди. Бу фан соҳасидаги мутахассисларга таълим-тарбия беришга, касбга йўналтириш учун зарур бўлган билим, малака ва иқтидор ҳосил қилишда хизмат қилмоқда. Бу фан энг аввало ўқитувчилар учун зарурдир.

Ўқитувчилик касби ёш авлодларни таълим-тарбиясининг умумий қонуниятлари ҳақида пухта билим, малака ва иқтидорга эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, у дунёқараш, ахлоқ, интизомни тарбиялашнинг методларини мукаммал эгаллаши керак.

Хўш, бўлажак ўқитувчилар, педагогика олий ўқув юртларида педагогика назарияси ва тарихи фанидан қанча ва қандай билим, малака ва иқтидорларга эга бўлмоқлари лозим?

Энг аввало талабалар педагогика фанининг методологик асослари ҳақида илмий билимларни эгаллайдилар. Бу борада биз узбек халқ педагогикаси, халқ оғзаки ижоди, Урта Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбия ва одобахлоқ ҳақидаги ғоялари, жаҳоннинг илғор педагогик олимларнинг дурдона асарлари, илғор мактаб ва таълим муассасаларининг илғор тажрибалари, шунингдек, Президент И. А. Каримовнинг мактаб ва таълим-тарбияга оид асарлари, Республиканинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Узбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа ҳужжатлар ҳақида билим, малака ва кўникмалар бермоғимиз керак.

Маълумки, кейинги йилларда бизда «Педагогика» ва «Педагогика тарихи» курсларининг янги дастурлари ишлаб чиқилди. Янги дастурларда энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган халқ педагогикаси, қадриятлар, шунингдек, буюк алломалар, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоийнинг маънавий меросларини ўрганиш режалаштирилди. Шунингдек, «Халқ оғзаки адабиётида таълим-тарбия: «Қуръони Карим ва «Ҳадис» илмини улуғ намоёндалари; Ал!Бухорий Ат-Термизий ва бошқаларнинг маънавий-маърифий қарашларини ўрганишга асосий эътибор берилди. «Қобуснома» каби халқ дурдоналарида ёшларнинг маънавий тарбиясига оид масалаларни ўрганиш назарда тутилди.

Дастурда «Амир Темур ва темурийлар даврида» маънавият, маърифат, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бойсунқур, Ҳусайн Бойқаронинг фан, санъат, мактаб ва маориф соҳасидаги ғояларини ўрганишга ҳам эътибор кучайтирилди. Шунингдек, педагогика тарихининг муҳим муаммоси жадидизм ва жади-педагоглар Мунаввар Қори, Фитрат, Беҳбудий ва бошқаларнинг миллий ифтихор тарбияси ҳақидаги ғояларни ўрганишга кенг ўрин берилди.

Педагогика назарияси ва тарихи фанидан талабаларни пухта билим, малака олаётганликларини аниқлаш мақсадида бизда рейтинг-назорат тизими ишлаб чиқилди. Бу тизимда энг аввало, талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларининг моҳияти, мазмуни, ҳажми ва унинг мукаммаллиги назоратга олинади ва баҳоланади.

Билимини рейтинг тизимида баҳолаш талабанинг ўқув жараёнидаги янги билимларини эгаллаш, мустақил ишлаш, ижодий изланиш каби барча фаолиятларини қамраб олади.

Маълумки педагогика ва педагогика тарихи бўйича максимал балл ўқув режасидаги соат миқдори билан белгиланади. Ҳар бир семестрдаги педагогикадан то педагогика тарихидан тўпланган балл талабанинг семестр давомидаги (ёки бир ўқув йили давомидаги) тўпланган балл унинг рейтингини ҳажмида ўқув жараёнида тўпланган балл эса мутахассислик рейтингини билдиради.

Талабалар билимларини семестр бўйича систематик баҳолаш учун қуйидаги назорат турларидан фойдаланилмоқда.

— Жорий назорат — ЖН
— Оралик назорат — ОН
— Якуний назорат — ЯН

Жорий назоратда талабаларнинг педагогика назарияси ва тарихи фанларидан ишлаб чиқилган семинар ва лаборатория машғулотларига киритилган мавзулар бўйича ўзлаштирган: билим, малака ва иқтидорларни аниқланади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг III семестрида педагогика назарияси, V семестрда педагогика тарихи фанидан семинар ва лаборатория машғулотларининг 55 фоизини ўзлаштирган талаба синовдан ўтади. Демак педагогикадан III семестрда синов учун максимал балл 55 фоиз, педагогика тарихидан V семестрда 34 фоиздир.

Бизда педагогика фанига 96 соат вақт ажратилган. (II курс III семестр). Курсда 54 соат маъруза, 42 соат семинар ва лаборатория машғулотлари ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий назорат йилда 42 соатга режалаштирилган амалий машғулотларда олиб борилади. Баҳолашнинг маълум балл системаси ишлаб чиқилди. (Бу тахминий, албатта). Масалан, Жорий назорат жараёнида талаба маълум ҳал қилинаётган муаммога тўлиқ жавоб берди. Унга 2,5 максимал балл берилади. Шунингдек, саволга қўшимча қилганлиги учун — 2 балл, намунали савол берганлиги учун 1 балл; қўшимча ижодий иши учун — 2 балл, жавобга тайёр, бироқ ўз фикрини баён этишга улгура олмаганлиги учун — 2,5 балл; машғулот учун дафтар тутганлиги ва намунали маъруза матни учун — 1 балл; умумий талаба ўқув материалини 50 фоизини бажарса Жорий назоратдан ўтади.

Оралиқ назорат талабаларнинг жорий ва якуний назоратлари оралиғида ўқишдан ташқари вақтларида мустақил бажарган ишларини баҳолаш учун қўлланилади. Бу жараёнда талаба педагогика назарияси ва тарихи курсидан ўтилган мавзулар асосида мустақил педагогик адабиётлардан фойдаланиб, маъруза матнларини ёзишлари, у ёки бу педагогик адабиётга тақриз ёзишлари ҳисобга олинади ва баҳоланади. Бу назорат ўқув материалларини 30-35 фоизини ташкил этади. Бу назорат жараёнида талабалар билан оғзаки ёки ёзма контрол ишлар (Контрол иш учун 15-20 минут сарф қилинади) ўтказилиши мумкин.

Якуний назорат,. Педагогика назариясидан III—IV семестрларда, педагогика тарихидан V—VI семестрларда тест саволлари орқали ўтказилади.

Якуний назорат учун тест саволлари берилади. Бу назорат тури ўқув машғулотларини 15-20 фоизини ташкил этади. Бунда тест саволларидан ташқари яна суҳбат, коллоксизум ўтказиш ҳам мумкин. Жорий, Оралиқ ва Якуний назорат биргаликда талабаларнинг педагогика тарихи фанидан рейтинг назоратини ташкил этади.

Қуйида биз педагогика фанидан тузилган тахминий рейтинг-назорат тизими схемасини келтирамиз.

РЕЙТИНГ-НАЗОРАТ

«Педагогикадан
Умумий соат —96 с./лек —54 с., сем —12с.,ЛПЗ —30с
Максимал балл —96, Саралаш —52,8 балл

1-семестр учун соатлар	Жорий назорат	Оралиқ назорат	Якуний назорат	Умумий балл максимал	Эслатма
34 соат	17 балл		6,8 балл	34	Сар.балл
(20 с-лек, 4 сем, 10 с-лаб)	7 амалий 1 амалий машғулот юқори балли — 2,4 7х2, 4=16,8	10,2 балл колеквиум муст. иш, ижодий иш реферат ва б.			—18,7 — 18,7 баллдан юқори балл тўплаган студент синовдан ўтган бўлади.
Синов					
II семестр	Ж.Н	О.Н	Я.Н.	Ум. балл	Эслатма
62 соат (34 с-лек, 8 с-сем, 20 с с-лаб)	31 балл 12 амалий машғулот 1 машғулот— 2:2 балл 14х2,= 30,8	18,6 балл коллеквиум реферат, анотациямус. иш иж. иш	12,4 балл тест	62	Сар. балл 34,1 34,1 баллдан юқори балл тўплаган студент имтиҳондан ўтган ҳисобланади.
(Имтиҳон					
«3» (қониқарли)	55%дан 70%гача	— 53—67 балл			
«4» (яхши)	71%дан 85%гача	— 68—80 балл			
«5» (аъло)	85%дан юқори	—81—96 балл			

55 % дан кам балл олган талаба қониқарсиз деб баҳоланади.

Ушбу мулоҳазалар ва таклифлар педагогикани долзарб муаммоларидан баъзилари бўлиб, уларни амалга ошириш ҳозирги муҳим талаблардандир.

Жалолиддин ҲАСАНБОЕВ,
Низомий номли ТДПИ педагогикаси назарияси ва тарих кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

O'rnak

САХОВАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Қиётобод» қишлоқ аҳли ҳаётида ажойиб воқеа рўй берди. 7-8 йилдан бери турли сабабларга кўра теварак-атрофи яншоқзору шўразорга айланиб, ёпилиб қолган болалар боғчасида қарнай-сурнай садолари янгради. Жажжи кичкинтойларнинг шодон қулгулари, қувноқ ашулалари чор-атрофга таралиб кетди.

Бунга ҳамқишлоқлар хайрон қолишди. Бошқа баъзи жойларда хўжаликларнинг иқтисодий ночорлиги сабабли ишлаб турган боғчалар ёпилиб турган бир шароитда «Қиётобод» қишлоғидаги боғча «қайта туғилиб», илгаригисидан ҳам гўзаллашиб, чирой очган булса, таажубланмай бўладими, ахир!

Ҳа, қишлоқ боғчасининг «қайта туғилиши»га фақат битта оила — саховатли, меҳридарё инсон — «Маҳдум» фирмасининг раҳбари Саъдулла ака Сафарбоев ва унинг ўғли Баҳромжонлар сабаб бўлишган экан.

Саъдулла аканинг ҳикоя қилишича, неча йиллардан бери қаровсиз қолган боғчага кўзи тушганида ҳаяжонланган, кўнглининг қаеринидир ачиниш ва изтироб ҳис-туйғулари чулғаган.

Бундан 2-3 йил муқаддам аҳоли талабларини қондириш мақсадида миллий қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган муъжазгина цех, кичик корхона ташкил этган Саъдулла ака сарф-харажатлардан қолган фойданинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлашга жазм этди. Уз ниятини туман ҳокимияти, халқ таълими бўлимига билдириб, «Қиётобод»даги ёпилиб қолган боғчани оталиққа олди.

Боғча атрофлари хас-чўплардан, бемақсад ётқизилган 700 кв. метр тош ва асфальтдан тозаланиб, текисланди. Боғча биноси рисоладагидай таъмирланди. Бу ишларни амалга оширишда Саъдулла ака қишлоқ аҳлининг ёрдамига суянди, улар билан бамаслаҳат иш қилди. Бу йил боғчанинг тантанали қайта очилиши олдидан боғча ҳовлисига Хоразмдан 200 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари келтириб экилди. Бино учун 30 метр палос совға қилинди. «Маънавият ва маърифат» хонаси жиҳозланди.

... Саъдулла ака оталиқ ёрдами кўрсаттан 7-болалар боғчасида ўтказилган шодиёналарда қишлоқдаги ёшу-қари йиғилди, десак муболаға бўлмас. Унда ҳатто тумандаги барча жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, боғча мудиралари, мактаб директорлари иштирок этдилар. Беруний тумани ҳокими Раҳимбой Қурбонбоев мазкур тантананинг ташаббускори, «Маҳдум» фирмасининг раҳбари Саъдулла ака Сафарбоевга миннатдорчилик изҳор қилди.

Саъдулла ака мақтовлар учун камтарона миннатдорчилик билдириб, шундай деди:

— Усиб келаётган ёш, навқирон авлодимиз саломатлиги, билими кучли, ақлу-фаросати бутун бўлиши учун бугун қайғурмасак, зарур чора-тадбирларни кўрмасак келажак бизни кечирмайди. Ана шу мақсад йўлида топган-тутганимизни ҳар қанча сарф қилсак арзийди. Яна бир нарсани ният қилиб турибман: ота-онасиз қолган, етим-есирлар учун барча қулайликларга эга бўлган 25-30 ўринли «Меҳрибонлик уйи» қуриб беришни зиммамга олсам, деб турибман.

Саъдулла аканинг чин юракдан айтган сўзлари шодиёнага йиғилган барчанинг кўзига ёш келтирди, қалбига титроқ киргизди. Унга нисбатан пайдо бўлган миннатдорчилик туйғуларини ун чандон ошириб юборди.

... Саъдулла аканинг саховати, бегараз ёрдами туфайли дунёга келган боғчанинг бири-биридан гўзал, шинам уйин, дам олиш, машғулот хоналарини, «Маънавият ва маърифат» масканини кўриб, у эккан ниҳоллар чиқазаётган куртакларни томоша қилар эканман, она заминимизда фақат чўнтагини эмас, балки элу юрт келажаги бўлган фарзандлар тақдири хусусида ўйлаб, жон қуйдираётган ажойиб хислатли инсонлар кўпайиб бораётганлигидан севиниб кетдим.

Б. ҚУРБОНБОЕВ,
Халқ таълими вазирлиги бош назоратчи-методисти.

Oliy o'quv yurtlarida

ЮТУҚЛАР СИРИ ВА ЁШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Яқинда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Талаба: илмий тараққиёт-97» республика II босқич олимпиадаси ўтказилди. Олимпиаданинг мақсади иқтидорли ёшларни топишга қаратилди. Бухгалтерия ҳисоби фани бўйича Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳисоб-иқтисод факультети командаси 1-ўринни эгаллади. Ғалабанинг шовшувга сабаб ва ибрат бўладиган жиҳати команда таркибидаги уч нафар талабанинг шахсий ҳисобда ҳам 1-(Йўлдошев Дилшод), 2-(Аҳмедов Ҳожиакбар), 3-(Абдукаримов Фарҳод) ўринларни эгаллашганлигидир. Уччаласи ҳам шу факультетнинг 4-курс талабалари. Қизиқ, 13 та олий ўқув юртидан қатнашган командалар ўртасида ҳам команда ҳисобида, ҳам шахсий ҳисобда биринчиликни эгаллашган. Бу таажжубланарли ҳол. Хўш, бунга қандай эришилди? Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида факультет декани — иқтисод фанлари номзоди, профессор Ислом Абдуллаевич Нурматов билан суҳбатлашдик.

кадрларни тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?

— Биласизми, бизда иқтидорли, билимли талабалар жуда кўп. Улар билан қизиққан турли ташкилот раҳбарлари келиб ҳозирданоқ шартнома тузиб кетишмоқда. Биз бундан ҳурсандмиз, албатта. Лекин мени бир нарса ўйлантиради. Битираётган талабаларимиз нима учун кафедрада, факультетда қолиб ишлашни, илмий изланишларини давом эттиришни хоҳлашмаяпти? Менимча бунинг биринчи сабаби ижтимоий ҳимояланиш йўқ. Бир неча йил аввал ёш ўқитувчилар оилавий ётоқхона билан таъминланар ва навбати билан уларга уй бериларди. Ҳозир олий ўқув юртларининг бунга ажратадиган маблағи йўқ. Иккинчидан, ёшларимиз ўқитувчиликнинг нони оз бўлса-да, ширин эканлигини ҳали билишмайди. Қишлоқдан келиб ўқиган, шароити йўқ, ота-онасининг олдига қайтиши керак бўлган битирувчиларни тушуниш мумкин. Лекин шароити яхши, илм қилишга имконияти ва қизиқиши бор ёшларимиз бошқа ишларни афзал кўришмоқда.

Қўшмонов Илёс исмли талабамиз диплом ҳимоя қилибоқ шароитини ҳам ўйлаб ўтирмай ўқитувчиликни танлади: айни кунда талабаларга дарс бериш билан бирга устозлари кўмагида бухгалтерия ҳисоби фанидан ўзбек гуруҳлари учун қўлланма тайёрламоқда. У эндигина 22 ёшга қадам қўйиш арафасида, ваҳоланки, бошқа олий ўқув юртларида унинг тенгдошлари диплом ҳимоя қилишгаям улгуришгани йўқ. Бизга ана шундай интилувчан ёшлар керак. Уларда изланувчанлик, чанқоқлик етишмас экан, билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Биз улардаги шу хусусиятларни шакллантириш баробарида уларнинг ижтимоий ҳимояланиши ва яшаш шароитига жавобгармиз.

Мен бир нарсага ҳайрон қоламан, одамларимизда маънавият ва маърифатдан кўра бойликка ўчлик ҳисси кучлироқми-ей. Шаҳарнинг қаерига қараманг, 2—3 қаватли, ҳатто 4 қаватли данғиллама шахсий уйларга кўзингиз тушади. Майли, қандини уришсин. Лекин ҳали мен эшитганим, кўрганим йўқки, уларнинг халқ таълими соҳасига данғиллама иморатлар қуришга эътибор берганчалик ёрдам беришганини, олий ўқув юртлари билан алоқа боғлаганлигини. Қанийди улар ёш ўқитувчи, аспирантлар учун уй-жой қуриб беришса, ҳам савобга қолишарди, ҳам миллат тараққиётига, Ватан равнақи учун катта ҳисса қўшишган бўларди.

— Очиқ ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, домла. Ёшларга ҳамиша ажойиб устоз бўлиб юринг.

Суҳбатдош Улуғбек ОДИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

Яқинда Янгийўл тумани «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги 11 ўрта мактабнинг 4-а синф ўқувчилари иштирокида «Қувноқлар ва зукколар» кечаси бўлиб ўтди. Кечада ота-оналар, устозлар ва ўқувчилар қатнашди. Мактабнинг 4-«А» синф ўқитувчиси Муяссар Носирова кечанинг қизиқарли ўтиши учун турли-туман ўйинлар тайёрлаб кеча дастурига пухта тайёргарлик кўрганлиги сезилиб турди. «Қувноқлар ва зукколар» ўйинининг қатнашчилари икки командадан иборат бўлиб, қиз болалар «Қалдирғоч» ва ўғил болалар «Бургут» номлари билан мусобақада иштирок этишди.

Ўйин давомида иккала команда ҳам берилган саволларга қизиқарли ва тўла равишда жавоб бериб, 4-синф ўқув дастурини тўлиқ ва аълога ўзлаштирганлигини кўрсатдилар. Ўйин «Бургут» командаси фойдасига ҳал бўлди.

Суратда: мусобақа пайти.

Марат АРИНОВ.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Темурийлар тарихи Давлат музейида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг навбатдаги III конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни жамғарма бошқаруви раиси академик Бўрибой Аҳмедов бошқариб борди. Унда Президент Девони ва бошқа юқори ташкилотларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кун тартибига жамғарманинг ўтган йилги фаолияти якунларини таҳлил қилиш, 1997-2000 йилга мўлжалланган режалари ва бошқарув органи ҳамда раёсат Уставини тасдиқлаш масаласи қўйилди. Убайдулла Уватов раиснинг биринчи ўринбосари этиб сайланди. Жамғарма фаолиятини кенгайтириш, ўзини маблағ билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ижрочи директори қилиб Дилшод Толипов тасдиқланди.

Конференция иштирокчилари Темур ва темурийлар шахсига боғлиқ маърифат ва маънавият соҳаларини янада ривожлантиришга келишиб олдилар.

Мухбиримиз.

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Жиззах туманидаги Ҳамза номли 19-ўрта мактабда 1300 нафар ўқувчига таълим бераётган, ўқитувчилар ана ўз касбига содиқ, фидойи мураббийлардан. Уларнинг изланишлари самараси ўлароқ, мактаб бир неча йилдирки вилоят миқёсида юқори кўрсаткичларни эгаллаб келаяпти. Дастурда белгиланган ҳар бир дарс соатини ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрилиши ва талабчанлик ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Ўтган ўқув йили якунига кўра 11-синфни битирган 55 нафар ўқувчининг 16 нафари олий ўқув даргоҳларига 12 нафари эса ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинди.

Янги таълим тизимининг жорий этилиши ўқитувчилар масъулиятини яна бир карра оширгани барчага маълум. Айни пайтда мактабда7 та иқтидорли синф ташкил этилган. Аммо ўзлаштириш даражалари ўрта, ўртадан паст деб баҳоланаётган ўқувчиларда ҳам маълум бир фанга, маълум бир соҳага нисбатан иқтидор бор. Буни аниқлаш ва истеъдодни кўп жиҳатдан тарбиялаш ўқитувчилар зиммасида. Шу туфайли мактаб муҳитида мавжуд фанлар тугараги ташкил этилган. Химия, физика, тарих, адабиёт, математика, жисмоний тарбия тўгараклари шулар жумласидандир. Муҳаммад ака Ўринбоев раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган 61 ўқитувчи ўқувчиларда илм-фанга иштиёқ уйғотиб, уларни олий ва ўрта ўқув даргоҳларига тайёрлаш йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилаяпти. Булар орасида Д. Эшмирзаева, Я. Тошбеков, З. Соипова, А. Ҳудойқулов, М. Убайдуллаева, С. Туропова, Х. Мирзааҳмедов, З. Раҳмонова каби педагоглар ўзларининг дарс бериш услублари, тажрибалари билан ажралиб туради. Айниқса, ҳарбий таълим ўқитувчиларининг бўлажак юрт посбонларига аскарлик сирларини қунт билан ўргатишлари мактабнинг амалдаги ютуқларидан бирига сабаб бўлди. Ўқувчилар ҳарбий таълим соҳаси бўйича вилоятда ўтказилган «Шунқорлар» номли беллашувда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Шу кунларда мактабдаги шарт-шаролит ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бундан 9-10 йил илгари болалар талабга жавоб бермайдиган эски мактабда ўқитиларди. Техник воситалар билан жиҳозланган ушбу 4 қаватли муҳташам илм маскани Нормат Абдуолимов жамоа хўжалиги томонидан қурилиб, 1989 йилда фойдаланишга топширилган. Бунда иккита қишки спорт зали, 120 ўринли ошхона ва бошқа қулайликлар бор. Булардан ташқари хўжалик ҳудудидан 5 гектар ер ажратиб берилган. Ҳозирда мактаб атрофидаги бир гектар ернинг учдан бир қисми боғ, қолган ерларда баҳорги, кузги экинлар етиштирилади. Мактаб қошида очилган сартарашхона, пойабзал таъмирлаш устахоналари ўқувчилар хизматида. Аммо бу каби маълумотлар билан мактабдаги муаммо ва камчиликларни яшириб бўлмайди. Масалан, Бошланғич синф ўқувчиларини мунтазам равишда иссиқ овқат билан таъминлаш лозим. Мактабнинг кўп қаватли биносини ҳар йили тўла-тўкис қайта таъмирлаб туриш керак. Даромад оз бўлганлиги туфайли бундай муаммолар ота-оналар кўмаги билангина ечимини топаяпти.

Ўқувчиларнинг ҳунар ўрганишлари, ҳам қўшимча даромад манбаини кенгайтириш мақсадида мактаб маъмурияти гилам тўқиш цехи, «Халқ ҳунармандчилиги санъати» асосида устахоналар очишни режалаштирган. Ўйлаймизки бу тадбирлар ҳам мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ.

O'qituvchilarga yordam

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

5. ОЙГА САЁҲАТ

57 соат ўтганда Армстронг билан Олдрин скафандларини кийиб ўтиш туннели орқали кораблдаги Ой кабинасига ўтиб, унинг борт системаларини текшириб қайтишди. 1,5 соат давомида алоқанинг телесеансини ўтказишди. Сўнгра ухлаб дам олишди. 70 соат 79 минут ўтганда уларни уйғотишди. Улар овқатланиб олишди. 72 соат 32 минут ўтганда Хьюстондаги учириш маркази билан гаплашишди. «Аполлон-11» Ойга яқинлашмоқда, энди у Ой орбитасига чиқиши лозим эди. 75 соат 41 минут 23 секунд ўтганда Ердаги станциялар «Апполон—11»нинг радиосигналларини йўқотиб қўйдилар. Бунинг сабаби кема Ойнинг нариги томонига ўтганидан эди. Бир неча минутдан кейин кемани тормозлаш мақсадида марш двигатели ишга туширилди.

Борт вақти билан 76 соат 15 минут 29 секунд ўтганда учириш маркази билан алоқа тикланди. Армстронг кема Ойнинг йўлдошига айланганини хабар қилди. Ойдаги кратерларни кузатганини айтди. 80 соат 05 минут ўтгач марш двигатели яна ишга туширилиб, кема Ойга яқинроқ орбитага ўтди (периселения баландлиги 100 км, апоселения баландлиги 122 км.). Ойга тушиш вақти яқинлашмоқда эди. 100 соат 39 минут ўтганда Ой кабинаси асосий блокдан ажралди, асосий блокда Коллинз навбатчилик қилиб қолди. 101 соат 35 минут ўтганда Армстронг билан Олдрин Ой кабинасининг двигателини ишга тушириб Ойга яқинлашишди; Ой сиртига 15—16 км. яқин қолишди (апоселения баландлиги 106 км эди). 102 соат 33 минут ўтганда астронавтлар Ой кабинасини Ойга тушириш учун тормозловчи двигателларни ишга туширдилар. Автоматика кемани диаметри 3 метргача бўлган харсанг тошлари бўлган кратерга қўндирмоқчи бўлаётганини кўрган Армстронг бошқаришни ўз қўлига олиб кеманинг вертикал тезлигини камайтириб, горизонтал тезлигини ошириб, осойишталик денгизининг қулай, текисроқ жойига қўндирди, аппарат ўша кратердан 350 метр четга қўнди. Бу тарихий воқеа 1969 йилнинг 20 июлида Гринвич вақти билан соат 20 дан 17 минут ўтганда содир бўлди (ёки борт вақти билан 102 соат 45 минут 42 секунд ўтганда).

Бутун Америка, бутун инсоният ҳайратда қолди.

Аэронавтлар ҳар эҳтимолга қарши 3 минутча Ой сиртидан авария стартига тайёр турдилар. Атрофни томоша қилдилар. Улар Ой кабинасининг ичида яна 2 соат кутиб турдилар. Астронавтлар ерга кема атрофидаги ой сирти ҳақида репортаж бердилар (кратерлар, баландликлар ҳақида...) 109 соат 07 минут 35 секунд ўтганда Ой кабинасининг люкини очиб, Армстронг ташқарига чиқа бошлади. Олдрин унинг ҳаракатларини бошқариб турди, чунки скафандрда ҳаракатланиш ноқулай ва қийин эди. 109 соат 24 минут 20 секунд ўтганда Армстронг Ой сиртига биринчи қадам қўйди. Бу — 1969 йилнинг 21 июли эди. «Инсоннинг шу кичик қадами инсоният учун жуда катта сакрашдир!». «Ой сирти чиройли, лекин чанг кўп», деб юборди. У ой кабинасини айланиб чиқди, атрофини суратга туширди. Ой сиртидан намуналар олди. Сунг Олдрин Ой сиртига тушди. Астронавтлар Ой сиртига АҚШ байроғини ўрнатдилар. Армстронг АҚШ Президенти Никсон билан гаплашди. Армстронг Ой сиртида 2 соат 37 минут, Олдрин эса ундан 20 минут кам бўлди. Улар Ой кабинасига қайтиб овқатланишди ва 7 соатча ухлаб дам олишди, яна овқатланишиб Ой сиртидан учишга тайёрланишди. 124 соат 22 минут ўтганда Ой кабинаси Ой сиртидан асосий блок томон йўналди. Қўшилишдан кейин «Аполлон—11» Ер томон йўл олди. 195 соат 18 минут 21 секунд ўтганда омон-эсон ерга тушишди. 21 суткали карантиндан кейин астронавтларни АҚШ Президенти Никсон авианосецда шахсан ўзи кутиб олди. Астронавтларни, айниқса, Армстронг билан Олдринни, шуҳрат гулларига кўмиб юборишди, оилалари билан бутун дунёни айлантиришди. Айниқса, Олдрин шуҳрат «юкини» кўтара олмади, қийналди. Коллинз кейинчалик Ой атрофида навбатчиликка қолганига шукур қилди. Улар қаерга борсалар ҳам катта эътиборни кўриб ноқулай аҳволга тушишарди. Энг юқори мукофотларга эришдилару лекин бахтли бўла олмадилар. Совет Иттифоқи Ойни ўрганишда автоматик станциялар вариантини танлади ва анчагина муваффақиятларга эришди.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.
(Давоми бор.)

Боши ўтган сонларда.

Бола қалби жуда таъсирчан бўлади. Унга нимаики эзгулик уруғи қадалса ўз самарасини, албатта, бермай қолмайди. Шундай экан бу ишни имкон қадар барвақт бошлаган маъқул. Дарвоқе шундай бўлаяпти ҳам. Яъни яқинда Собир Раҳимов туманидаги 106-болалар боғчасида экология бўйича боғчаларда машғулотларни бошлаш муносабатига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча болалар боғчаларининг вакиллари иштирок этишди. Тадбирда Республика табиат музейининг ходими Жўрабой Қосимов нутқ сўзлаб Тошкент шаҳрида турғун яшовчи қушлар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларнинг шаҳар табиий муҳитида ўта зарурлиги ва шу билан бирга эътиборга муҳтожлиги тўғрисида гапирди.

СУРАТЛАРДА: Ж. Қосимов тарбиячиларга «Қанотли дўстлар» ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб бераяпти.

106-болалар боғчаси тарбиячиси Лариса Тутинина эса табиатнинг ёш дўстларига жониворларнинг, қушларнинг тасвирини ясашни ўргатяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Yozgi oromgohlarda

ШОДЛИКНИ ҲАМ ҲИС ЭТИНГ...

Чотқол тоғ тизмаларида жойлашган Бўстонлиқ туманидаги Хондайлиқ қишлоғи йил-ўн икки ой фусункор. Шунданми, бу гўшада кўплаб оромгоҳлар жойлашган. «Автомобилчи» шуларнинг бири.

Одатда бирор хонадонга кирганингизда, энг аввало, орасталик кўнглингизни равшан этади. Беихтиёр гўзал маскан кираверишидаги «Мустақиллик чечаклари» сурат-композициясига эътиборни қаратамиз.

Оромгоҳ бошлиғи Йўлдош ака Очилов шоиртабиат инсон. Айниқса, табиатга меҳри баландлигидан очиғи сал ҳайратланасиз. Асли Йўлдош ака автомобилчи. Умр бўйи шу соҳада ишлаган. Бундан ажабланиб сўрадик: «Қандай қилиб болалар орасига келиб қолдингиз? Эшитишимизча, болалар кетишда сиз билан «яна келаман» деб зўрга ажралишармиш. Йўлдош ака, сизни дарахт билан тиллашади дейишади. Шу ростми?»

Саволимиз ғайри-табиий чиқдими, у киши бизга бир сўз демай, боғ этагига қараб турди. Сўнг «Юринглар» ишорасини қилди. Эргашдик. Салкам 6—7 гектарлик мевали боғни айландик. Йўлда учраган болалар ҳузурига ошиқар экан, у киши «бултурги болалар-да» деб қўярди кулимсираб.

Ғарқ пишган олча шоҳидан тутиб: «Шу дарахтларнинг ҳам «кўз», «қулоғи», «жони» бор. Улар билан сўзлашиш эмас, дарахтни ҳам ҳис этиш керак» деди. Яна: «шу боғдаги 1770 туп мевали дарахтнинг ҳар тупини биламан. Ўзим экканман. Болалар учун шу масканнинг тамал тошидан бошлаб, бош-қош бўлганман-ку! Тоғ ҳавосини қаранг. Болалар бу ерда тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади. Соғ боланинг наинки тўрт мучаси балки ақлиям тўлиқ бўлади-да...»

Йўлдош ака шундай инсон. Шундай одамни болалар севмасинми?

Мана, яна ўқувчиларнинг таътили бошланди. Яна болажонларнинг қийчуви оламни тутган. Кўриниб турибди. Болажонлар бу масканни соғинган. Мезбонлар ҳам уларни астойдил тараддуд билан кутганини айтиш жоиздир. Таъмирлашга 7 миллион сўм маблағ сарфланди. Болалар ётоқхоналари дид билан безатилган, телевизор,радиоузел, кутубхона ташкил қилинган.

Ота-оналар бурчагида ҳамма шароитлар яратиб қўйилган. Бу йил оромгоҳ тўрт навбатда дам олувчиларни қабул қилади. Биринчи навбатда 320 нафардан ортиқ ўқувчилар ёзги ҳордиқни соз ўтказишни бошлаб юборишди. Шунга яраша озиқ-овқат заҳиралари тўпланди. Ёз бўйи мевали дарахтларнинг ҳосилидан эса болалар дастурхонига тортилади. Турли вилоятлардан келадиган 400 нафардан ортиқ иқтидорли болалар учун эса алоҳида шарт-шароитлар яратилади. Кўнгилга илиқ тегадигани яна бир масала «Маънавий баркамол болани тарбиялаб етиштирайлик» тадбиридир. Яқинда оромгоҳга ижодкор, санъаткор, таниқли олим, меҳнат фаҳрийлари ташриф буюради. Биз ҳам яна бир бор бу гўшага келишни дилга тугиб қўйдик.

Иқтисодий қийинчиликлар ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу ердаги бажарилган ишларни, афсус, ҳозирги кунда ҳамма оромгоҳлардан ҳам кузатмайсиз. Боисини сўраймиз.

— Ҳомийларимиз ҳам бор. Бўстонликдаги нон заводи, Бўстонлиқ сут заводи. Лекин ким ёрдам беради деб ўтиришдан кўра имкон қидирган афзал. Яна бир томони: эскини асраш керак. Оромгоҳ уч ой ишласа-да, қолган вақтлари борини авайлаш, фойдаланиш керак. Умуман оромгоҳ ҳечам ҳувиллаб турмаса дейман. Тўғри, мавсум тугагач ҳам иш мўл. Барибир сезиб коламан. Куз ёинки қишда жим-жит мудроқ боғда дарахтлар назаримда мунғайиб қолгандек бўлади. Кўп нарсани фақат кўриш эмас, ҳис этиб яшаган яхши. Болаларнинг бу ердаги шодлигини йил бўйи ҳис этиб яшайман...

Йўлдош ака қўл соатига қараб қўйди.

— Ҳозир бу ерга «Ҳондайлиқ тарихи ва бугуни»га қизиқувчилар тўпланади. Юртга ҳурмат тарихдан бошланади, — дейди у.

Бир сўз билан айтганда бу ерда болаларнинг ёзи соз бошланган.

Саида Бону ЙЎЛДОШЕВА,
журналист.
Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
тележурналист.

ҚУТЛОВ



Ҳурматли ҳамкасбимиз Анвар РАШИДОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз!

Барча ишларингизда омад ва муваффақият ёр бўлсин. Оилангизга тинчлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Каттақўрғон шаҳридаги 1 мактаб жамоаси, Шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, шаҳар ҳокимияти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси.

Sport

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Газетамизда аввал хабар қилинганидек, ҳудудий мусобақаларда ғалаба қозонган Самарқанд ва Навоий вилоятларининг футбол мактаб-интернатлари командалари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишган эди.

Пойтахтимиздаги «Авиасозлар» ўйингоҳида Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари мактаб-интернатлари талабалари ўртасида ўтказилган мусобақаларда Сирдарё вилояти ёш футболчилари юксак кўтаринкиликда ўйнаб, 6 очко билан финалга йўлланма олишди. Пойтахт вилояти вакиллари уч очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳри командаси эса барча ўйинларни бой берди.

Фарғона шаҳрида водийдаги уч вилоят командалари ўртасида ўтказилган учрашувларда энг яхши кўрсаткичга эришган майдон эгалари финал мусобақаларида қатнашадиган бўлишди. Халқ таълими тизимига кирувчи ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказиладиган биринчи республика мусобақаларида 1983-85 йилларда туғилган тўрт вилоят командаси ғолиблик учун курашади. Мусобақалар 19—22 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ғ. МАННОПОВ.

Xullas...

ХАРЬКОВЧА ХУРОФОТ

Машҳур эстрада қўшиқчиси В. Леонтьевнинг Харьков шаҳрига ташрифи катта шов-шувга сабаб бўлди. Чунки шаҳар марказида жойлашган санъат саройида концерт пайтида катта ёнғин чиқди. Бунга В. Леонтьев ўз жазавали ҳаракатлари билан юқори электр кучланишига эга икки симни туташтириб юборгани сабаб бўлди. Буни мутахассислар дарров аниқлашди. Содир бўлган ёнғиндан Украина ҳукумати жиддий моддий зарар кўрди, машҳур эстрада қўшиқчиси В. Леонтьевнинг обрўси эса бир неча баробарга ортди. Нега дейсизми? Ахир, харьковлик мухлислар ёнгин Валерий қўшиқларининг эҳтиросли лирикасидан пайдо бўлди, — дея қўпиртириб, ўзлари ҳам бунга чиппа-чин ишониб юришибди-да!

ҚАЛЛИҚ ТАНЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Билмасангиз, ўратепалик Зокир деган бизнесмендан сўранг. У эрта-индин никоҳига олиши керак бўлган сулувни шаҳарнинг нуфузли бир ресторанига таклиф этди ва... Эртаси куни тўй бўлмаслигини эълон қилди. Бундай жиддий бурилишнинг боисини ўратепаликлар билолмай, оғизларини урадай очиб қолишди. Ниҳоят, куёв ёрилди. Эмишки, келинликка номзод қиз ўша куни ресторанда тузсиз таомни лом-мим демай паққос туширибди.

— Овқатнинг таъмини билмайдиган хотин билан яшаб бўладими, — деб тўнғиллади Зокирвой сўз охирида.

Эҳ, нодонликни қаранг, ахир овқатнинг тузли-тузсизлигини билиш, сўнгра шунга қараб хотинга муомала қилиш эрларнинг иши-ку?!

ИСМАТОВНИНГ ИСБОТИ

Галатепалик астрономия ўқитувчиси А. Исматов балога қолди. «Ер ўз ўқи атрофида айланади» дея бошлаган дарсини қайсар ўқувчилар рад этишди. «Буни ҳеч тасаввур қилолмаяпмиз, домлажон, иложи бўлса исботлаб беринг».

А. Исматовнинг ҳовлидан бир челак сув келтириб, боши узра тўкмай айлантириб, худди шундай айланади дея керилмоқчи бўлди. Бироқ, биринчи уринишдаёқ, челак бошига тегди ва, ҳам оғриқдан, ҳам аламдан инграб қулади. Яхшиямки, челакда сув бор экан, домланинг устидан қуйилиб ҳушидан кетишга йўл қўймади.

А. Исматов полда чалпак бўлиб ётаркан, бош оғриғидан инграб аранг кўзини очди. Кўз олдида ҳамма нарса чаппар уриб айланарди.

— Нафақат, ер, — деди ўз эътиқодига содиқ қолган ўқитувчи. — Синфхона-ю парталар ҳам, эшигу деразалар ҳам ўз ўқи атрофида айланади.

ana shunaqa gaplar

Sport

ОЛИМП ЧОРЛАЙДИ

Самарқанднинг «Афросиёб» ва Германия Олимпия жамоалари ўртасида бўлиб ўтган қизиқарли беллашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Меҳмонларимиз кейинги учрашувни «Дўстлик» жамоасига қарши ўтказади. Нима учун айнан шу жамоалар билан ўйнаяпти дейишингиз мумкин. Чунки мамлакатимиз олимпиадачиларини асосан шу икки жамоа ўйинчилари ташкил этади.

САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ ИЛДАМ КИШИСИ

Ким? — деган савол бутун дунё спорт ишқибозларини жуда қизиқтириб келарди. Бировлар 100 метрга югуриш бўйича жаҳон рекордчиси канадалик Донавой Бейли (9,84 сек) деса, бошқаси 200 метр масофада рекорд қўйган америкалик Майкл Жонсон (19,35) дерди. Ниҳоят бу жумбоқ ечиладиган бўлди. Бир иложини қилиб «аср югурувчилари»ни 1,5 миллион АҚШ доллари эвазига ўзаро баҳслашишга кўндиришга эришилди. Қизиқарли ушбу мусобақа яқинда бўлиб ўтди. Унда канадалик спортчи ғолиб чиқди.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида навбатдаги учрашувга қатнашиши муносабати билан миллий чемпионатда қисқа танаффус эълон қилинди. Шу фурсатдан фойдаланиб, жамоалар мамлакат кубогининг нимчорак финал ўйинларида ўзаро куч синашдилар. Рақибларидан ҳар жиҳатдан устун эканликларини намойиш этган «Нефтчи», «Навбаҳор», «Пахтакор», «МҲСК», «Бухоро», «Дўстлик», «Насаф» ва «Темирйўлчи» жамоалари кейинги босқичга йўлланма олишди.

МАЙДОНДА МАЛИКАЛАР

Мана бир неча кундирки пойтахтимизнинг «Динамо» спорт саройида теннис бўйича аёллар ўртасида халқаро Челленжер мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Унда АҚШ, Германия, Швеция, Польша, Хитой, Исроил ва бошқа ўнлаб мамлакатларнинг моҳир «дубулға»чилари муросасиз «жанг»га киришган. Биз ушбу турнирнинг ғолиб ва совриндорлари ҳақида газетанинг кейинги сонларида хабар қиламиз.

ХОТИРАМИЗДА ҚОЛДИ

Россиялик машҳур спорт шарҳловчиси Николай Озеров ҳаётдан кўз юмди. У кишини миллионлаб спорт мухлислари жуда яхши билишади. Айниқса ўтган ўн йилликларда Николай Озеров номи спортга ўзгача руҳ олиб кирган. Унга спорт журналистикасининг рамзи сифатида қарашарди. Мухлислар хотирасида машҳур шарҳловчининг сервиқор, ҳиссиётли овози муҳрланиб қолди.

maydonchasi

«ОНА ТАБИАТ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклга занжир ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Марказий Осиёдаги денгиз. 2. Йиртқич ов қуши. 3. Зарафшон водийсидаги яйловларга бой тизма тоғ. 4. Ўзбекистондаги йирик дарёлардан бири. 5. Кузда пишадиган қуруқ мева. 6. Амударёнинг чап соҳилидаги тўқайқум қўриқхонаси. 7. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича таниқли ўзбек олими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 8. Чўлу саҳроларда обод қилинган ер. 9. Қир, тоғ ён бағри. 10. Қишга сақланадиган олма тури. 11. Меваси шифобахш кўркам гулли ўсимлик. 12. Австралияда тарқалган қопчиқли сут эмизувчи жонивор. 13. Марказий Осиё худудидаги, баланд, тик жарликлардан иборат — плато, ясси тоғлик. 14. Сурхондарё вилоятидаги энг қадимий ғорлардан бири. 15. Шифобахш ҳўл мева. 16. Толлар оиласига мансуб баланд ўсувчи дарахт. 17. Танаси эт-дор, тиканли, Республикамизда гултувакларда ўстириладиган ўсимлик. 18. Олой ва Туркистон тизмаларидан бошланадиган Фарғона водийсидаги серсув дарё. 19. Ўзбекистонда тарқалган ноёб буғу тури. 20. Ҳозирги кунда камайиб бораётган йирик қуш турларидан бири. 21. Пальмадошларга мансуб доим яшил дарахт. 22. Ҳаёт учун энг муҳим модда. 23. Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғликлар оралиғидаги кенг обод ер. 24. Мушуксимонларга мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. 25. Оддий ҳарорат шароитида суюқ ҳолда бўладиган кумуш ранг оғир металл. 26. Мевазор ва гулзор маскан. 27. Ер ости ёки тоғлик қаърида табиий ҳолда юзага келган катта бўшлиқ. 28. Атиргуллилар оиласига мансуб хушбўй гул.

Фозилжон ОРИПОВ.



Газетамизнинг 31 май сонида берилган

«ҚУВНОҚ БОЛАЛИК» МУАММОНОМА ВА ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

жавоблари

Муаммонома:

Очқич: 1. Чиллак. 2. Мактаб. 3. Қуён. 4. Эртак. 5. Дуст. 7. Гулшан.

Ҳадис: Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин.

Топқирлик машқи: 1. «Алла». 2. «Болалик» 3. Шоколад. 4. «Аралаш». 5. Ребус. 6. «Ғунча». 7. Беланчак. 8. Абдулла. 9. Ойгул. 10. Сайил. 11. Спорт. 12. «Ёрилтош». 13. Ортиқбой. 14. Қобил. 15. Бозор. 16. Родари. 17. «Эркатой». 18. «Алпомиш».

ЭЪЛОН

Чилонзор туманидаги «Катта хирмон тепа» маҳалласининг муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 50-урта мактаб томонидан 1995 йилда Алишер Назаров номига берилган АО 002539 рақамли урта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6